

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА МОДЕЛЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада давлат-хусусий шериклиги механизмининг шаклланиш хусусиятлари, унинг ривожланиш тамойиллари, шакллари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, давлат-хусусий шериклиги моделлари, хусусий секторни жаб этиш ва рискларни тақсимлаш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини реализация қилиш, унинг афзалликлари, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг асосий шакллари, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати тизимининг ривожланиш йўналишлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, давлат сектори, хусусий сектор, давлат-хусусий шериклиги, тамойил, модел, концессия, давлат-хусусий шериклиги шакллари, лойиҳа.

КИРИШ (Introduction)

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши янги босқичга кўтарилмоқда. Ушбу босқичда **республикани ривожлантириш стратегиясининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасида** барқарор ва жадал суръатлар билан иқтисодий ўсишни таъминлаш миллий иқтисодиёт тараққиётида устувор соҳалардан бири эканлигини кўришимиз мумкин. Шунга кўра, республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, соҳада инвестицион жозибадорликни ошириш бўйича институционал ўзгаришлар таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, тармоқ ривожланиш дастурларини инвестицион фаолликни ошириш нуқтаи назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда.

Экспертларнинг баҳолашларига кўра, кейинги беш йилликда жаҳон иқтисодиётининг sanoat тараққиёти босқичи ниҳоясига етади. Жаҳон иқтисодиётининг кейинги босқичи когнитив омиллар, тежамкор иқтисодиётга асосланган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)нинг таъсири остида бўлади. Бу бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун талаб қилинадиган ахборот ҳажмларини кескин даражада ортишига олиб келадиги, пировардида сервис соҳасида ҳам трансформация жараёнларини чуқурлашишига имконият яратади.

Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий жиҳатдан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига қараганда нисбатан самарали бўлиб, унда хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларида молиявий маблағларнинг айланиши ҳам тезроқ ва энг асосийси даслабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоялар талаб этмоқда. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик механизмларини такомиллаштириш ва инвестицион фаолликни оширишнинг институционал асосларини тадқиқ этишни зарурат этмоқда.

Шунга кўра, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари сингари республикамизда давлат-хусусий шериклиги (ДХШ)ни кенгайтириб бормоқда. Шундай экан мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий сектор ва давлат ўртасидаги

муносабатларнинг ўзига хос механизми сифатида ДХШнинг турли хил шакллари жадал ривожланиши бозор иқтисодиётининг муҳим хусусияти сифатида тан олиш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Илмий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва бизнес ўртасида шерикчилик муносабатлари ривожланиш хусусиятлари, жаҳонда давлат-хусусий шериклиги механизмини самарали жорий этиш моделлари, давлат-хусусий шерикликнинг шартнома шакллари, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш соҳаси ва йўналишлари жаҳон хўжалигида давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабатларининг кўлами ва шакллари кенгайишига таъсир этувчи омиллар илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Хорижлик иқтисодчи олим Дж.К.Гелбрейт [4, 200-250 б.] ўз асарида давлат ва бизнес ўртасида шерикчилик муносабатлари, инвестицион маблағларнинг шаклланиши, давлат-хусусий шериклигининг концептуал асослари каби йўналишларни тадқиқ қилган.

Ж.Пьер, Ж.Г.Петерс [21, 89-108 б.] асарида хусусий инвестицияларни рағбатлантириш орқали уй хўжаликлари даромадларининг энг тез ўсишига эришиш йўналишлари, рақобат муҳитининг шаклланиши учун давлатнинг иқтисодий функцияларидан фойдаланишнинг шарт-шароитлари билан боғлиқ муаммолар ёритиб берилган.

Россиялик олимлар В.Г.Варнавский, А.В.Клименко, В.А.Королев [1, 45-85 б.] лар асарида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимининг шаклланиши, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, мақсад ва вазифалари, таркиби ва моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, давлат ва тадбиркорлик ўртасида ҳамкорлик шакллари амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб қилиш манбалари, давлат ва жамоатчилик мулк объектлари билан боғлиқ йўналишлари ўрганилган.

В.А.Кабашкиннинг [6, 15-18 б.] диссертация авторефератида «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий мазмуни, унинг мақсад ва вазифалари, давлат-хусусий шериклиги моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари тадқиқ қилинган.

Е.Д.Фролова [15, 31-32 б.] мақоласида ижтимоий аҳамиятга эга стратегик лойиҳаларни бошқариш ва молиялаштириш бўйича хусусий секторнинг иштирокини таъминлаш, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш йўллари, унинг афзалликлари ёритиб берилган.

Иқтисодчи олимлар С.Э.Элмирзаев, Н.Ш.Шавкатов [20] ларнинг илмий мақоласида давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда кўллаш истиқболлари, давлат-хусусий шерикликнинг асосий шакллари, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати тизимида давлат-хусусий шерикликнинг ўрни ва омиллари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Тадқиқот жараёнида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик ва иқтисодий муносабатларни шаклланиши, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклигини ривожланиш тамойиллари, шакллари ва моделлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини реализация қилиш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик, тизимли ва илмий ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил ҳамда гуруҳлаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Республикаимизда макроиқтисодий барқарорлик ва жадал иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар изчил давом этмоқда. Албатта, бунда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ўрни бекиёс бўлиб, ижтимоий-иқтисодий мақсадларни реализация қилишда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмини ошириш, соҳада меҳнат унумдорлигини ошириш,

иктисодий ўсишга эришишни иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш даври нуқтаи назаридан ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳаси бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш ва пировардида интенсив ривожланишга шарт-шароит яратиш орқали ижтимоий тараққиётда ҳал қилувчи ўринга эга соҳа ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши янги босқичга кўтарилмоқда. Ушбу босқичда республикани ривожлантириш стратегиясининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасида барқарор ва жадал суръатлар билан иқтисодий ўсишни таъминлаш миллий иқтисодиёт тараққиётида устувор соҳалардан бири эканлигини кўришимиз мумкин. Шунга кўра, республикаимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, соҳада инвестицион жозибадорликни ошириш бўйича институционал ўзгаришлар таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, тармоқ ривожланиш дастурларини инвестицион фаолликни ошириш нуқтаи назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда.

Республикаимизда инфратузилма объектлари ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни реализация қилиш учун ДХШнинг асосий афзалликлари – иқтисодиётнинг барча тармоқларида қўллаш, қисқа даврда ижтимоий лойиҳаларни реализация қилиш, давлат объектларига хусусий маблағларни жалб қилиш, таъмирлаш ва эсплуатация қилишга давлат харажатларини қисқариши, автомобил йўлларини сақлаш, хусусий маблағлар ҳисобига инфратузилма объектларини молиялаштириш, давлат ва хусусий субъектлар ўртасида рискларни тақсимлаш; ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланишида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш имкониятларининг мавжудлигини намоён этмоқда.

Ишбилармон доиралари, яъни тадбиркорлик субъектлари учун ДХШнинг афзалликлари – иқтисодиётнинг давлат секторига киришни қўллаб-қувватлаш, давлат томонидан қўллаб-қуватланиш, хорижий мамлакатлар тажрибасидан тўлиқ фойдаланиш имкониятларига эга бўлишини юзага келтирмоқда [10].

Давлат учун ДХШнинг устун жиҳатлари хусусий секторнинг иштироки ҳисобига лойиҳалар самарадорлигини ошириш, давлат томонидан хусусий маблағлар ҳисобига муайян соҳа ёки тармоқни ривожлантириш бўйича муҳим масалаларни ҳал қилиш имкониятлари, бюджет харажатларини камайтириш, хусусий молиявий маблағларни кенг қўламда жалб қилиш, тежалган бюджет маблағлари ҳисобига ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва рақобат даражасини ошириш каби омиллар асосида аниқланади [13].

Юқоридаги ДХШ механизмини амал қилишининг афзал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда унинг муҳим хусусиятларини аниқлаймиз. Улар қўйидагилардан иборат:

- иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий ривожланиш мақсадларига эришиш;
- давлат инвестицион лойиҳаларига хусусий сектор маблағларини жалб қилиш;
- давлат инфратузилмаси объектларини бунёд этиш, фойдаланиш, модернизациялаш, техник хизмат кўрсатиш, реконструкция қилиш;
- давлат хизматлари кўрсатиш;
- давлат сектори ва хусусий тадбиркорлар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни ўрнатиш имконияти;
- тенг шерикликка асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик;
- риск, ваколат ва масъулиятни шериклар ўртасида тақсимлаш;
- ДХШ шартномасини тузиш.

ДХШ механизмини амал қилиш хусусиятлари бўйича тавсифини қиёсий таҳлил қилиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, умумий ҳолатда ДХШ субъекти сифатида инфратузилма объектларига инвестициялар киртиш ва ушбу объектлар кўмагида хизматлар

кўрсатиш орқали муайян ДХШ лойиҳаларини реализация қилиш бўйича давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабатлари жараёнида юзага келадиган муносабатларни кўриб чиқиш мумкин.

Жаҳон амалиётида ДХШнинг мақсади бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бюджетдан ташқари манбалардан жалб қилинган қўшимча инвестициялар ҳисобидан ҳамда давлат сектори хизматлари сифатини ошириш орқали худудий даражада жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашдан иборат. Инфратузилмани ривожлантиришнинг давлат сиёсати бўйича ДХШ хусусий ташкилотларни ресурс ва капитал сифими юқори инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга жалб этиш ҳамда давлат инфратузилмаси тармоқларининг ривожланишини таъминлашга қаратилган.

1-жадвал

ДХШ механизмини амал қилиш хусусиятлари бўйича тавсифини қиёсий таҳлили¹

Субъектлар	Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларига эришиш	Хусусий томонни давлат томонидан жалб қилиниши	Давлат инфратузилмаси объектларини сақлаш, фойдаланиш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, қуриш бўйича ишларни бажариш	Давлат хизматларини кўрсатиш	Узоқ муддатли ҳамкорликни амалга ошириш	Ўзаро манфаатли ҳамкорлик	Хагарларни, ваколатларни ва масъулиятни тақсимлаш	Шартнома тузиш
Халқаро ривожланиш институтлари								
Жаҳон банки	+	+	-	+	+	-	+	+
РРІАФ ¹	+	+	-	-	-	-	-	+
ИХРТ	+	+	+	+	+	+	+	+
ХВФ	+	+	+	+	+	-	+	+
Европа инвеститсия банки	+	-	-	+	+	-	+	-
Осиё тараққиёт банки	-	-	+	+	+	+	+	-
Европа иттифоқи	-	+	+	+	-	-	-	-
Халқаро консалтинг ва рейтинг агентликлари								
<i>Deloitte</i>	-	-	+	-	-	-	+	+
<i>PricewaterhouseCoopers</i>	+	+	+	+	-	-	-	-
<i>Ernst & Young</i>	+	-	-	+	-	-	+	+
<i>KPMG</i>	+	+	+	+	+	+	+	-
<i>Standard & Poor's</i>	-	-	+	-	-	+	-	-
Хорижий давлатларнинг миллий қонунчилиги								
Буюк Британия	+	+	+	+	+	+	+	+
АҚШ	+	-	+	+	+	+	-	+
Австралия	+	-	+	+	+	+	+	+
Сингапур	-	-	-	+	+	+	+	+
Канада	-	-	+	+	+	+	+	+
Франция	+	-	-	+	-	-	+	+
Полша	+	+	+	+	-	+	+	-
Жанубий Африка	-	+	+	+	+	+	-	+
Германия	-	+	+	+	+	-	-	-

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

* PPIAF – Public-Private Infrastructure Advisory Facility – Жаҳон банкининг давлат-хусусий инфратузилма лойиҳалари бўйича маслаҳат қўмитаси.

Рискларни тақсимлаш ДХШ муносабатлари учун зарурий шартдир. Шунингдек, энг катта қийинчилик лойиҳанинг ўзига хос хусусиятлари, яъни тармоқ, молиялаштириш шартлари ва шартнома турига қараб рискларни оптимал тақсимлашни ташкил этишдан иборат.

Халқаро ташкилотларнинг миллий иқтисодиётлар ҳукуматларига тавсияларида ДХШнинг қуйидаги асосий тамойиллари кўрсатилган [23]:

- қонунийлик (яъни, ДХШ тўғрисидаги қонунчилик тизимининг мавжудлиги);
- бюджет маблағларидан, давлат ва маҳаллий мулкдан фойдаланиш самарадорлиги (яъни, конкрет ҳолатда ДХШ лойиҳасини амалга ошириш инфратузилмани ва уни бошқаришни давлат томонидан молиялаштиришнинг анъанавий усулларига қараганда юқори самарадорликни таъминлашини асослаш зарурати);
- давлат-ҳуқуқ субъектлари томонидан ДХШ бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш зарурати (яъни, давлат томонидан хусусий шахс олдидаги мажбуриятларга риоя қилиш, шартнома амал қилиш муддати давомида ҳуқуқий нормаларни ўзгартирмаслик зарурияти);
- иштирокчилар ўртасида камситишнинг йўқлиги (ДХШ тузиш ҳуқуқи учун танловда қатнашиш учун ташкилотларнинг тенг фойдаланиш ҳуқуқи);
- шартнома бўйича томонларнинг виждонан ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги (давлатнинг хусусий сектор манфаатларини ҳисобга олиши ва лойиҳа бўйича барча молиявий мажбуриятлар ва рискларни унинг зиммасига юкламаслиги);
- ДХШ ҳақидаги маълумотларнинг очиклиги (бизнес вакиллари ва экспертлар ҳамжамиятининг лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тўғрисида маълумот олиш, унинг ишончилигини текшириш ва инвестиция қарорларини қабул қилишда фойдаланиш имконияти);
- аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда (шартномада томонларнинг шахсий манфаатлари ДХШнинг асосий мақсади – ҳудудни ривожлантириш, унда аҳоли учун қулай яшаш шароитларини таъминлашга зид бўлмаслиги керак);
- иқтисодий асосланганлик (инфратузилма объектини бюджет маблағлари ҳисобидан реконструкция қилиш қиймати ва муддати ДХШ механизмини қўллаш асосида инфратузилма объектини реконструкция қилиш қиймати ва муддатидан ортиқ бўлади);
- иқтисодий самарадорлик (ДХШ лойиҳасини реализация қилиш харажатларининг бундай лойиҳани амалга оширишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ харажатлардан ошиб кетиши);
- ДХШ соҳасини давлат ва ҳудудий тартибга солишни амалга оширувчи давлат фуқаролик ва маҳаллий хизматчиларнинг малакаси;
- ДХШ шакллариининг ўзгарувчанлиги (турли хил мақбул ҳуқуқий шакллардан шартнома шаклини танлаш имконияти).

Биз, давлат-хусусий шериклик механизми ҳамда унинг ривожланиш тамойилларининг кўплаб таснифларини тадқиқ этиш жараёнида иқтисодиёт-нинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қуйидаги асосий тамойилларини белгилаб олдик (2-жадвал).

Ҳамкорликнинг бошқа тамойиллари ҳам давлат-хусусий шерикликда тартибга солувчи сифатида таъсир кўрсатади. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу тамойиллар гарчи улар у ёки бу институционал шаклларни модернизация қилинган иқтисодиётнинг доимий ўзгарувчан шароитларига мослаштириш жараёнида доимий равишда таҳрир қилинса-да, ҳар доим тегишли шартномаларда (шартномаларда) мустаҳкамланади.

2-жадвал

ДХШ иштирокчилари ўзаро муносабатларини самарали ривожлантиришнинг асосий тамойиллари¹

ДХШни ривожланиш тамойили	Тамойилнинг асосий моҳияти ва мазмуни
Тўловлилик тамойили	Ҳамкорлик иштирокчилари ўзларининг иштирок этиши бўйича қийматли ўлчовини аниқлайди ҳамда тартиб ва олинаётган фойда нормасини келишадилар.
Танлов ўтказиш тамойили	Давлат ва бизнес вакиллари ўртасида ДХШ шартномасини тузиш танлов натижалари бўйича амалга оширилади.
Муддатлилик тамойили	Ҳамкорлик муносабатларини расмийлаштириш йўлида янги моддий активлар куриш муддати, қарз маблағларни қайтариш, капитали ўзини қоплаши бўйича регламент белгиланади.
Қайтаришлилик тамойили	Лойиҳанинг яқунланиши бўйича шериклардан бири бошқа шерикдан шартномага мувофиқ мулк ва бошқариш ҳуқуқини олади, бошқа шерик эса (хусусий тадбиркор) лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган товарлар ва хизматларни реализация қилишдан даромадлар кўринишида илгари қўйилган инвестицион ресурсларни келишилган муддатда ўзига қайтариб олади.
Тенглик тамойили	Шериклик иштирокчиларини танлашда ижтимоий тенгсизлик (ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий қарашлари бўйича) ва камситишнинг бошақа турлари (худудий белгилари, дунёқараш, диний эътиқод ва б.)га йўл қўйилмайди.
Мақсадга йўналтирилганлик тамойили	ДХШ лойиҳасини ишлаб чиқиш ва реализация қилишнинг барча босқичларида барча тардаги ресурслардан фойдаланишни шартловчи шартнома шартларига қатъий риоя қилинади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишини асосий кўринишлари ДХШнинг асосий шакллари орқали ифодаланади (1-расм). Бунда муайян моделни танлаш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни реализация қилишга боғлиқдир. Шу ўринда айтиш керакки, оператор модели давлат ва хусусий шериклар ўртасида масъулиятни тақсимлашга асосланади. Бу модел чиқиндиларни қайта ишлашда қўлланилади.

Кооперация модели солиққа тортишнинг мустақил объектларига хизмат кўрсатиш мураккаб бўлганда қўлланилади. Бу механизм давлат ва хусусий тадбиркорнинг қўшма корхонаси орқали амалга оширилади.

Шартномавий модели кўпинча жорий харажатларни пасайтиришга йўналтирилган инвестициялар бўйича энергетика тармоғида қўлланилади.

Молиявий лизинг модели давлат томонидан хусусий секторга бино, иншоотлар, ишлаб чиқариш воситалари, транспорт воситалари, муҳандислик мажмуаларини ижарага беришни назарда тутди [17, 22-б.].

Йирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни реализация қилишда концессия модели алоҳида қизиқиш уйғотади. Турли хил ёндашувларга асосланадиган бўлсак, концессия модели ДХШнинг куйидаги сабабларга кўра, ривожланган шакли ҳисобланади: концессион муносабатлар узок муддатли тавсифга эга; тадбиркорлик тузилмаларида концессиялар бошқарув қарорларини қабул қилишда эркинликка эга бўлади; концессионер томонидан шартнома шартлари бузилганда, давлат хусусий секторга муайян даражада таъсир этиш имкониятига эга бўлади.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШнинг асосий шакллари¹

Концессиядан ташқари, ДХШнинг бошқа шаклларида фойдаланиш мумкин, масалан, давлат бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш воситалари кабиларни хусусий секторга ўтказиш орқали ижара муносабатлари шаклланади.

Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдан олдин лойиҳаларни реализация қилиш имкониятларининг (VFM) дастлабки таққослама таҳлили ўтказилади. ДХШ асосидаги лойиҳаларни реализация қилиш ҳуқуқи бўйича танловларни ўтказишнинг хориж тажрибаси бир қанча босқични ўз ичига қамраб олади.

Биринчи босқичда иштирокчиларни танлаш бўйича дастлабки танлов ўтказилади. Иккинчи босқичда танлов ташкилотчиси танлов бўйича таклифларда кўрсатилган лойиҳанинг техник параметларини аниқлайди. Учинчи босқичда танлов ташкилотчиси танлов бўйича таклифларда кўрсатилган лойиҳанинг молиявий параметларини аниқлайди.

Таъкидлаш керакки, ДХШ механизмини қўллашда қурилиш объектларига инвестицион харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштиришга нисбатан юқори бўлади.


Таъкидлаш керакки, бизнинг тадқиқот ишимизда хизмат кўрсатиш соҳасида концессия сифатида ДХШ лойиҳаларининг шундай шакллари бошқариш механизми таҳлил этилади. Бу шу билан боғлиқки, ДХШ лойиҳасининг концессион чизмаси дунёда энг кўп фойдаланиладиган ва давлат хизматларининг барча соҳаларида амалда қўлланилади ҳамда концессияга молиявий-иқтисодий нобарқарорлик шароитида катта қизиқиш сақланиб қолмоқда. Концессиялар битимлар сони, жалб қилинган инвестициялар ҳажми ва турли иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бошқа шакллардан устундир.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Концессия – бу шартнома бўйича ҳақ тўлаш ва қайтариш асосида давлат мулкидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат (концедент)дан юридик ёки жисмоний шахс (концессионер)га тақдим қилиш натижасида юзага келадиган муносабатлар тизими ҳамда давлатнинг мутлақ монополияси бўлган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқидир [12, 41-б.].

Ҳозирги вақтда бутун жаҳонда энг кўп тарқалган концессиялар қуйидаги соҳаларда реализация қилинмоқда: йўллар, кўпириклар, тунелларни қуриш; аэрапортлар, темир йўл вокзалларини қуриш ва қайта таъмирлаш; темир йўллар алоқа тизимлари, метро, мактаблар ва бошқа жамоат биноларини қуриш, сув таъминоти тизимларини қайта таъмирлаш ва улардан фойдаланиш; дренаж, тозалаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш; турли тиббиёт муассасаларини қуриш, қайта таъмирлаш ва улардан фойдаланиш.

ДХШ лойиҳаларида давлат ва хусусий сектор ўртасида масъулият ва рискни тақсимлаш имконини берувчи бир қатор ДХШ моделлари мавжуд. Одатда шериклик шартномаларини тавсифлаш учун қуйидаги моделлар қўлланилади:



2-расм. Давлат-хусусий шериклиги моделлари: хусусий секторни жаб этиш ва рискларни тақсимлаш¹

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Эгалик қилиш – қурилиш - эксплуатация (BBO – Buy – Build - Operate): давлат мулкни шартнома бўйича хусусий ва квази-давлат субъектига бериш, унга кўра мулк модернизация қилиниши ва маълум вақт давомида ишлатилиши керак. Давлат назорати мол-мулкни топшириш шартномасининг амал қилиш муддати давомида амалга оширилади.

“Қурилиш – эгалик – эксплуатация” (BOO - Build – Own – Operate): хусусий сектор объектни молиялаштиради, қуради, эгалик қилади ва бошқаради ёки умр бўйи мулкчилик ёки ижара асосида хизмат кўрсатади. Давлат чегаралари дастлабки келишувда ва доимий фаолият юритувчи назорат қилувчи органнинг фаолияти орқали белгиланади.

“Қурилиш – эгалик қилиш – эксплуатация – ўтказиш” (BOOT - Build – Own – Operate – Transfer): хусусий сектор субъекти объектни молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш (шунингдек, фойдаланиш учун ҳақ олиш) учун маълум муддатга франчайзинг олади, шундан сўнг мулк ҳуқуқи давлатга қайтарилади.

“Яратиш – эксплуатация – ўтказиш” (BOT – Build – Operate - Transfer): хусусий сектор узоқ муддатли концессия шартномаси бўйича янги объектни лойиҳалаштиради, молиялаштиради ва қуради ҳамда уни шартнома муддати давомида ишлатади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, агар ушбу мулк лойиҳанинг тугаши сабабли ўтказилмаган бўлса, мулк давлат секторига қайтади. Аслида, ушбу шакл BOOT ва BLOT моделларини объектга эгалик шаклида ягона фарқ билан қамраб олади.

“Қурилиш – ижара – эксплуатация – ўтказиш” (BLOT - Build – Lease – Operate – Transfer): хусусий сектор корхонаси ижара ҳақини тўлаб, ижара муддати учун ижарага олинган объектни (шунингдек, хизматдан фойдаланувчилардан ҳақ олиш) молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш учун франчайзинг олади.

Лойиҳалаштириш – қурилиш – молиялаштириш – эксплуатация (DBFO – Design – Build – Finance - Operate): хусусий сектор узоқ муддатли ижара асосида ва унинг давомида янги объектни лойиҳалаштиради, молиялаштиради, қуради ва бошқаради. Хусусий сектор ижара муддати тугагач янги объектни давлат секторига ўтказиши.

Фақат молиялаштириш (Finance Only): хусусий сектор субъекти (одатда молиявий хизматлар компанияси) лойиҳани бевосита ёки узоқ муддатли ижара ёки қимматли қоғозлар (облигациялар) чиқариш каби турли механизмлар орқали молиялаштиради.

Эксплуатация ва хизмат кўрсатишга шартнома тузиш (O&M - Operation & Maintenance Contract): хусусий корхона шартнома шартларига мувофиқ давлат секторига тегишли бўлган мулкни маълум вақт давомида бошқаради. Мулкга эгалик ҳуқуқи давлат тузилмасида сақланади. (Кўпчилик бундай моделни ДХШ сифатида кўриб чиқишга мойил эмас ва бундай шартномаларни хизмат кўрсатиш шартномалари ёки хизмат шартномалари деб аташади).

Лойиҳалаштириш – қурилиш (DB – Design – Build): хусусий сектор давлат секторининг хизматларга бўлган талабларини қондириш учун дарҳол фойдаланиш учун қурилиш шартномаси бўйича инфратузилмани лойиҳалаштиради ва қуради, кўпинча қатъий белгиланган нархда тақдим этилади. Шундай қилиб, ортиқча харажатлар учун хавф хусусий секторга ўтади. (Кўпчилик DB моделини ДХШнинг бир қисми сифатида кўриб чиқишга мойил эмас ва бундай муносабатларни давлат буюртмасини бажариш учун шартномалар деб аташади).

Эксплуатация қилиш ҳуқуқи (Operation License): хусусий оператор одатда белгиланган муддатга давлат хизматини ишлаб чиқариш ва кўрсатиш ҳуқуқини (лицензиясини) олади. Ушбу модел кўпинча ахборот технологиялари (IT) лойиҳаларида қўлланилади.

Давлат томонидан давлат хизматларини бевосита кўрсатишдан тортиб, тўлиқ хусусийлаштиришгача бўлган турли хил вариантлар мавжуд, бунда давлат хизмат кўрсатиш учун барча масъулият, риск ва барча рағбатларни хусусий секторга ўтказиши. Мумкин бўлган барча моделлар доирасида ДХШ давлат ва хусусий секторларни жалб қилиш кўлами ва рискларни тақсимлаш даражасига кўра таснифланиши мумкин. Юқоридаги баъзи ДХШ моделларини ўз ичига олган соддалаштирилган таснифлаш 2-расмда келтирилган.

ДХШда лойиҳа таваккалчилигининг муҳим қисми хусусий шерикка тўғри келиши ва тегишли инфратузилма объектларини ўз-ўзидан даромад олиш имкониятига эга бўлишига қарамай, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳам ДХШларда катта миқдордаги риск ва харажатлар мажбуриятларини ўз зиммаларига олишлари мумкин. Ноаниқлик, оптимистик прогнозларни асос қилиб олиш, рискларни бошқариш бўйича малаканинг етишмаслиги, нотўғри молиявий таҳлил давлат органларини хавф-хатарлар, давлат қарзини бошқаришдаги муаммолар ва бюджет юқини ошириш учун қўшимча жавобгарликка олиб келиши мумкин. Аниқ мажбуриятларга қўшимча равишда ДХШ лойиҳасида иштирок этувчи давлат органлари кўпинча ДХШ лойиҳасининг кейинги босқичларида амалга ошириладиган ва бюджетдан молиялаштириш миқдорини белгилаш ва лойиҳаларни баҳолашда эътиборга олинмиши керак бўлган ноаниқ (масалан, аҳоли томонидан кутиш, сиёсий шароитлар) мажбуриятларга эга [16, 102-б.].

Хусусий шерик учун асосий чекловлар лойиҳага ўз (ёки қарзга олинган) маблағларини инвестиция қилиш зарурати ҳисобланади. Анъанавий давлат бунёдига доирасида бундай эҳтиёж йўқ. Бундан ташқари, асосланмаган лойиҳа тузилмаси ёки ҳукумат инқирози юз берган тақдирда хусусий шерик узоқ муддатли характерга эга бўлганлиги сабабли лойиҳа учун катта рискларни ўз зиммасига олади. Қисқа муддатли лойиҳаларда иштирок этишда бундай рисклар минималлаштирилади. Шундай қилиб, ДХШ давлат инфратузилмасини ривожлантириш учун хусусий инвестицияларни жалб қилишнинг истикболли, аммо кийинчиликларга эга бўлмаган механизми ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

1. Республикамизда инфратузилма объектлари ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни реализация қилиш учун ДХШнинг асосий афзалликлари – иқтисодийнинг барча тармоқларида қўллаш, қисқа даврда ижтимоий лойиҳаларни реализация қилиш, давлат объектларига хусусий маблағларни жалб қилиш, таъмирлаш ва эсплуатация қилишга давлат харажатларини қисқариши, автомобил йўлларини сақлаш, хусусий маблағлар ҳисобига инфратузилма объектларини молиялаштириш, давлат ва хусусий субъектлар ўртасида рискларни тақсимлаш; ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланишида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш имкониятларининг мавжудлигини намоён этмоқда.

2. Давлат-хусусий шериклик механизми ҳамда унинг ривожланиш тамойилларининг қўллаб таснифларини тадқиқ этиш жараёнида иқтисодийнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўловлилик, танлов ўтказиш, муддатлилик, қайтаришлилик, тенглик, мақсадга йўналтирилганлик тамойилларига асосланиши керак.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатлар ривожланишининг асосий шакллари: давлат шартномалари асосидаги ўзаро ҳамкорлик; хизмат кўрсатиш соҳасида ижара келишувлари; хизмат кўрсатиш соҳасида лизинг келишувлари; хизмат (маҳсулот) ларни тақсимлаш бўйича келишувлар; инвестицион келишувлар; концессион муносабатлар; акционерлик жамиятлари шаклланиши; давлат корхоналарида хусусий капиталнинг иштироки ва инновацион фаолият каби ифодаланади. Бунда муайян моделни танлаш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни реализация қилишга боғлиқдир.

5. Давлат томонидан давлат хизматларини бевосита кўрсатишдан тортиб, тўлиқ хусусийлаштиришгача бўлган турли хил вариантлар мавжуд, бунда давлат хизмат кўрсатиш учун барча масъулият, риск ва барча рағбатларни хусусий секторга ўтказиши. Мумкин бўлган барча моделлар доирасида ДХШ давлат ва хусусий секторларни жалб қилиш кўлами ва рискларни тақсимлаш даражасига кўра таснифланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие. – М.: ГУ-ВШЭ, 2010.
2. Варнавский В.Г. Партнерство государства и частного сектора: формы, проекты, риски/ В.Г. Варнавский. – М.: Наука, 2005. - 315 с.

3. Государство и бизнес: институциональные аспекты. - М.: ИМЭМО РАН, 2006. - С. 40.
4. Гэлбрейт, Дж.К. Экономические теории и цели общества = Economics and the Public Purpose (1973) / Под общ. ред. и с предисл. Н. Н. Иноземцева, А. Г. Милейковского. – М.: Прогресс, 1976. – 408 с.
5. Джуманиязов У.И. «Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий масалалари» // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 2017 йил № 3, май-июнь, 9-б.
6. Кабашкин В.А. Формирование и развитие партнерских отношений государства и предпринимательских структур в Российской Федерации (управленческий аспект): автореф. дис. докт. экон. наук: 08.00.05/ В.А. Кабашкин.- М., 2007. - С. 23
7. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – Москва: МИЭМП, 2010.
8. Кукура С.П. Теория корпоративного управления/ С П.Кукура - М.: Экономика, 2004. - С. 105.
9. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. Принципы, проблемы, политика. – М.: Республика, 1992. Т. II. – С. 398.
10. «Национальный Центр ГЧП», «Просто и честно об инвестициях в инфраструктуру и государственно-частном партнерстве в России» аналитической обзор, Москва, 2019, 96,101 ст.
11. О системе государственно-частного партнерства в Великобритании [Электронный ресурс] // Интернет-портал «Государственно-частное партнерство в России». 2009 году.
12. Романова О.А. Теория и практика развития частно-государственного партнерства/ О.А.Романова // Вестник Уральского государственного технического университета. - 2007. - № 3. - С. 41.
13. Стырин Е.М. Международный опыт использования ГЧП для реализации проектов электронного правительства. – М.: «Издательский дом ВШЭ», 2010.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4329270>
15. Фролова Е.Д. Основные тенденции развития взаимоотношений государства и бизнеса/ Е.Д. Фролова // Вестник УГТУ-УПИ. - 2003. - № 7. - С. 31.
16. Ходжаев П.Д. Зарубежный опыт формирования и развития партнерских отношений между государством и реги-ональными предпринимательскими структурами/ П.Д. Ходжаев // Вестник Российско-таджикского (славянского) университета. - Душанбе: РТСУ, 2014. -№ 3 (46). - С. 102.
17. Шарингер Л. Новая модель инвестиционного партнерства государства и частного сектора / Л. Шарингер //Мир перемен. - 2004. - № 2. – С. 22.
18. Шумпетер Й.А. История экономического анализа в 3 тт. – СПб.: Экономическая школа, 2004.
19. Шарингер Л. Новая модель инвестиционного партнерства государства и частного сектора / Л. Шарингер //Мир перемен. - 2004. - № 2. – С. 22.
20. Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019.
21. Peters J.G, Pierre J. Governance Politics and the State (Political Analysis). – N.Y., 2000.
22. Daniel F.R. Quality Infrastructure: Ensuring Sustainable Economic Growth .the Center for Strategic and International Studies (CSIS). January 2017, p 4.
23. Dochia, Parker M. Introduction to Public-Private Partnerships with Availability Payments // Public Works Financing newsletter. Режим доступа: http://www.Pwfinance.net/document/research_reports/9%20intro%20availability.pdf (дата обращения: 12.02.2016).